

## Фанларни Ўқитишдаги Инновациялар Ва Илғор Хорижий Тажрибалар

Д. Ўринов<sup>1</sup>

**Аннотация:** Маколада бугунги кунда Ўзбекистон таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, тайёрланаётган кадрлар олдига қўйилаётган талаблар, ушбу талабларга жавоб бериш бериш учун таълим жараёнини дунёнинг ривожланган мамлакатларининг ушбу соҳадаги ижобий тажрибаларидан ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши муҳимлиги ҳақида фикрлар билдирилган. Шунингдек, ушбу ривожланган мамлакатлар таълим жараёнида қўлланиладиган энг самарали педагогик технологиялар ҳақида таҳлиллар қилинган ҳамда уларнинг мамлакатимизда қўлланилиш имкониятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** таълим, педагогик технологиялар, ахборот технологиялари, компетенция, инновацион фаолият, таълим воситалари.

### КИРИШ

Ҳозирги пайтда таълим тизимини такомиллаштириш орқали ҳар томонлама етук, баркамол, мустақил фикрлашга қодир, иродали, фидоий ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада таълим турлари тўғрисидаги мутлақо янги қондалар ҳаётга жорий этилди.

Кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз таълим тизимини ислох қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асоси яратилди. «Таълим тўғрисида»ги қонуни узлуксиз таълим тизимида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларда илмий дунёқарашни, меҳнатга ижодий муносабатни таркиб топтириш, уларда юксак меҳнат интизомини шакллантириш вазифасини қўяди.

### ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели мураккаб ижтимоий соҳада жаҳонда эришилган барча ютуқларни тўлиқ қамраган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбек модели умуминсоний кадриятларга таянади ва қуйидаги тузилиш хусусиятлари билан ифодаланади: «Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари: ўқитиш ва тарбиянинг гуманистик, демократик характердалиги; таълимнинг узлуксизлиги ва давомийлиги; умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касбий таълимнинг барча учун тенг берилиши; таълим ва касб-ҳунар дастурларини танлашга ёндашувда умумийлик ва фарқлилик; билимли ва истеъдодли кишиларнинг рағбатлантирилиши; таълим тизимида давлат ва жамоатчилик бошқарувининг уйғунлашувидадир».

Шу боис, ҳозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Педагогик технология масалаларини ва муаммоларини ўрганаётган баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология-фақат ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланиши зарур бўлган ўқитишнинг техник воситалари, компьютер, проектор ёки бошқа техник воситалар. Бизнинг фикримизча,

<sup>1</sup> Ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона ш



педагогик технологиянинг энг асосий негизи – ўқитувчи ва талабанинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишлари учун танлаган технологияларига боғлиқ. Ўқитиш жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустақил фикрлаб, ижодий ишлаб, изланиб, таҳлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча, ана шу – ўқитиш жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу, ўқув предметининг ўзига хос технологияси бор. Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва кафолатланган натижа беришига қаратилган педагогик жараёндир.

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Педагогик технологияларнинг элементлар бирликлари тизими модуллардан ташкил топади.

Модул - педагогик технологияни ташкил этувчи, унинг таркибий бўлақларини ифодаловчи тушунчадир. Бундай бўлақлар кичик модул, бирламчи модул, модуллар тўплами, модуллар даражаси ва модулларнинг мажмуавий тузилмаси каби турлардан иборат бўлади.

Модуллар ўз кўламига кўра катта модул, ўрта ва кичик бўлиши мумкин. Уларнинг бир-бирига нисбатан пропорционаллиги қатъий бўлмаслиги, уларнинг ўзаро таъсири умумий жараёнда турлича бўлиши мумкин.

Модулли ўқитишда ўқув материали битта ўқув машғулоти ҳажмида, ўқув предметининг бирор мавзуси ёки бирор бўлими даражасида, баъзан эса ўқув фанининг йирик таркибий қисмида, яъни блоклар тарзида ҳам модуллар ёрдамида ўқилиши мумкин. Олий таълим муассасаларида бир неча турдош ўқув фанларининг таркибий бўлақларини ҳамда айрим фанларни ўқитиш технологиясини ташкил қилувчи модуллар (блоклар) тарзида ўқитиш кенг қўлланилмоқда.

Давлат таълим стандартларининг таркибий бўлақларига мос келадиган блоклардан ҳам фойдаланилмоқда. Ўқув режа ва дастурларнинг таркибий бўлақларини ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайдиган технологияга хизмат қилувчи модуллар ҳам мавжуд. Таълим усуллари, методлари ва воситалари учун қўлланиладиган модуллар ҳам яратилмоқда.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли - масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Ҳозирги кунда масофавий ўқитиш бўйича дунёнинг илғор ўқув олийгоҳ ва марказларини мисол қилишимиз мумкин: Massachusetts Institute of Technology, Open University, Stanford[1], MBA General[2], «ИНТУИТ»[3] ва бошқалар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Ўқув жараёнидаги педагогик технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда машғулотларда маълумотларни кўргазмаларни ҳолатда тақдим этиш усуллари ва воситалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: “Инсерт” методи, «Кейс-стади», “Портфолио” методи, Т-жадвал, Концептуал жадвал, Ақлий ҳужум ва ҳ.к.

Умуман олганда, инновацион ғояларни фаол ривожлантиришда фаннинг деярли ҳамма соҳаларида имкониятлари мавжуд. Бироқ ғояларни амалга оширишда тизимдаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг бўлим ва лаборатория бошлиқлари, етакчи, катта



илмий ходимлари, кафедра мудирлари, профессор, доцент ва катта ўқитувчилар ва ёш олимларнинг инновацион фаоллигини талаб даражасида деб айтиб бўлмайди.

Таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик заруриятини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиликларни узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;
2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш;
3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни татбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини таълим жараёнига кириб келиши анъанавий ўқитиш усулларига қўшимча равишда янги ўқитиш шакли – масофавий ўқитиш яратилишига омил бўлди.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

## ХУЛОСА

Ривожланган мамлакатларда фанларни ўқитишда фойдаланилаётган илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан жорий вақтда мамлакатимиз олий таълим тизимида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Юқоридаги илғор мамлакатлар тажрибаларидан шу нарса маълум бўлмоқдаки, мамлакатимиз таълим тизимида ҳозирги кунда асосий эътиборни таълимнинг “марказда ўқитувчи турувчи” (teacher centered teaching) шаклидан “марказда талаба турувчи” (student centered teaching) шаклига ўтиш масалаларига янада кўпроқ қаратилиши лозимдир. “Марказда талаба турувчи” таълим шаклида талаба фақатгина ахборот қабул қилувчи эмас, балки, жоиз бўлса айтиш мумкинки, ўз билим олиш билан боғлиқ фаолиятини мустақил ташкил этувчи шахс ҳисобланади. Шу сабабли, талабаларнинг мустақил таълимини самарали ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилиши лозим. Шунга мос ҳолда, амалий машғулотларда ўқитишнинг кейс-стади, ўқув лойиҳаси каби методларидан фойдаланилиши назарий билимларнинг амалиёт билан боғланишини таъминлайди ва талабаларда амалий билим, малакаларни шакллантириш учун хизмат қилади. Таълим жараёнини ташкил этишда масофавий таълим имкониятларидан ҳам самарали фойдаланиш ҳам зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://online.stanford.edu>
2. <http://open-mba.ru>
3. <http://www.intuit.ru>
4. “Таълим тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси қонуни, 23.09.2020 йилдаги ЎРҚ-637-сон. (электрон ресурс - <https://lex.uz/docs/5013007>)
5. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сон



6. “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2019 йил 29 октябрь, ЎРҚ-576-сон
7. Шмырева Н.А., Губанова М.И., Крецан З.В. Педагогические системы: научные основы, управление, перспективы развития. – Кемерово, 2002. С. 100
8. Ўринов, Д. А. (2020). Инновациялар трансферига таъсир этувчи омиллар ва уни тавсифловчи кўрсаткичлар. In *Минтақа иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлари* (pp. 420-423).
9. Akhmadjonovich, U. D. (2021). Integration Of Science And Education As An Important Factor In Improving The Quality Of Education. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(10), 21-27.
10. Akhmadjonovich, U. D. (2021). System Of Indicators Reflecting The Process Of Innovation Transfer In Higher Educational Institutions. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(11), 1-5.
11. Ўринов, Д. А. (2020). Роль вузов в формировании региональной инновационной политики. In *Минтақа иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлари* (pp. 148-153).
12. Akhmadjonovich, U. D., & Abdusalomovich, O. A. (2022). The Role of Higher Education Institutions in the Country's Innovative Development and Economic Growth. *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 7, 266-271.
13. Urinov, D. A. (2022). Innovation Transfer: Ideas and Developments in the Interpretation of Supply and Demand Functions. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(11), 140-145.
14. Urinov, D. A. (2022). Effective Organization Of Transfer Of Innovations In Higher Education Institutions. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 144-148.

